

**“XALQ TABOBATI: TARIXI, YUTUQLAR,
ISTIQBOLLAR”**

mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari
to‘plami

28 aprel 2023-yil

Toshkent sh., O‘zbekiston

Сборник материалов Международной научно-
практической конференции

**«НАРОДНАЯ МЕДИЦИНА: ИСТОРИЯ,
ДОСТИЖЕНИЯ, ПЕРСПЕКТИВЫ»»**

28 апреля 2023 года

г. Ташкент, Узбекистан

Collection of materials of the International scientific and
practical conference

**"TRADITIONAL MEDICINE: HISTORY,
ACHIEVEMENTS, PROSPECTS"**

28 April 2023

Tashkent, Uzbekistan

Ташкентская медицинская академия // Сборник материалов Международной научно-практической конференции «НАРОДНАЯ МЕДИЦИНА: ИСТОРИЯ, ДОСТИЖЕНИЯ, ПЕРСПЕКТИВЫ» Сборник материалов конференции // ООО "TIBVIYOT NASHRIYOTI MATVAA UYI" - 2023 - 112 стр.

Главный редактор	Шадманов А.К., ректор Ташкентской медицинской академии, профессор, д.м.н.
Заместитель главного редактора	Азизова Ф.Л., проректор по науке и инновациям Ташкентской медицинской академии, профессор, д.м.н.
Ответственный секретарь	Высогорцева О.Н., доцент кафедры реабилитологии, народной медицины и физической культуры, к.м.н.
Редколлегия:	Собирова Г.Н., профессор кафедры реабилитологии, народной медицины и физической культуры, д.м.н. Жумаева Г.А., доцент кафедры реабилитологии, народной медицины и физической культуры, к.м.н.

**“XALQ TABOBATI: TARIXI, YUTUQLAR,
ISTIQBOLLAR”**

mavzusidagi Xalqaro ilmiy-amaliy anjumani materiallari to‘plami
28 aprel 2023-yil

Toshkent, O‘zbekiston

Сборник материалов Международной
научно-практической конференции

**«НАРОДНАЯ МЕДИЦИНА: ИСТОРИЯ, ДОСТИЖЕНИЯ,
ПЕРСПЕКТИВЫ»**

28 апреля 2023 года

Ташкент, Узбекистан

Collection of materials of the International scientific
and practical conference

**«TRADITIONAL MEDICINE: HISTORY, ACHIEVEMENTS,
PROSPECTS»**

28 April 2023

Tashkent, Uzbekistan

касалликларни пайдо қилади. Юқоридагилардан келиб чиқиб шуни хулоса қилиш мумкин Ибн Сино тиббиёт хусусан доршуносликнинг ривожланишига катта хисса қўшган олим унинг таълимотидан ҳозирда ҳам кенг фойдаланилмоқда.

СУРУНКАЛИ ВЕРТЕБРОГЕН КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Эргашева Н.О., Қаюмов Х.Н.

Абу Ал Ибн Сино номидаги Бухоро давлат тиббиёт институти

Катта ёшдаги аҳолининг умумий касалланиши таркибига кўра периферик асаб тизимининг касалликлари грипп ва турмушдаги жароҳатланишлардан кейин учинчи ва сурункали касалликлар орасида биринчи ўринни эгаллайди. Периферик асаб тизимининг патологияси тарқалганлик даражасига кўра ҳам, меҳнатга яроқсизлик кунлари бўйича ҳам юқори ўринлардан бирини эгаллайди.

Сурункали вертеброген касалликлар кўп омилли касалликлар бўлиб, уларнинг ривожланишида генетик мойиллик ва атроф-муҳит омилларининг таъсири рол ўйнайди. Ҳаддан ташқари чарчоқ, статик-динамик зўриқиш, ножўя ҳаракатлар, шунингдек ҳароратнинг кескин ўзгариши сурункали кечиш хусусиятига, қайталанганини қўзғатувчи омиллар сифатида клиник кўринишларини кучайтириши аниқланган. Ушбу омиллар касбнинг табиати ва шароитлари билан белгиланиши мумкинлиги сабабли, уни касбий касаллик сифатида талқин қилиш ҳам мумкин.

Сурункали вертеброген касалликларни даволаш учун турли хил воситалар ва усуллар қўлланилади, уларнинг танлови яллиғланиш жараёнининг клиник кечилишининг локализацияси ва хусусиятларига, биргаликда кечаётган ҳамроҳ касалликларнинг мавжудлигига, функционал бузилишларга ва уларнинг табиатига, аввалги даволанишнинг самарадорлигига ва бошқа шароитларга боғлиқ.

Ҳозирги даврдаги қабул қилинган халқаро тавсияларга кўра сурункали вертеброген касалликларни даволашда замонавий дори воситалардан трисиклик антидепрессантлар, стероид бўлмаган яллиғланишга қарши дорилар, психотерапия, физиотерапия билан бир қаторда халқ табобатининг мануал терапия, акупунктура, хижома, фитотерапия ва бошқа усуллари самарали ҳисобланади.

Адабиётларда бу усуллар алоҳида алоҳида таъсир механизмига кўра ишлатилиши ёритилган, лекин сурункали вертеброген касалликларда спазм-оғриқ-микродиркуляция бузилиши-тоғай регенерация жараёнлари кечишини ҳисобга олинган ҳолда репродуктив ёшдаги аёлларда халқ табобати усуллари дифференциалашган патогенетик механизмини инобатга олиб бир нечта усуллар бир муолажада ишлатилмаган.

Замонавий жиддий ва илғор мутахассислар беморларни даволашда анъанавий ва муқобил тиббиётнинг уйғунлаштириш туфайли ажойиб натижаларга эришмоқдалар. Шу билан бирга, инсон омили ҳам замонавий тиббиёт, ҳам халқ табобати ёрдамида даволашда жуда муҳим рол ўйнайди. Бизнинг тадқиқотимизда сурункали вертеброген касалликларни даволашда замонавий тиббиёт билан бир вақтда халқ табобати усуллари мануал терапия-акупунктура-хижома-фитотерапия кетма-кетлигида даволаш алгоритмидан фойдаланилди.

Ўрганилган беморларнинг 76.4%и шаҳар, 23.6%и туман аҳолиси бўлиб, уларнинг 65.2%и ўрта, 24.1%и ўрта-махсус, 10.7%и олий маълумотли, улардан 97.4%и никоҳда туради, 2.6%и турмушга чиқмаган. Беморларнинг 56.8% ишламайди, 12.3% таълим, 7.8% соғлиқни сақлаш, 3.4% халқ хўжалиги, 3.2% қишлоқ хўжалиги соҳаларида ишлайди, 10.2% тадбиркор, 6.3% талабаларни ташкил қилади. Даволанган беморларда сурункали вертеброген касалликлар билан касалланиш даражаси ёш ортиб бориши билан кўпайиб бориши кузатилади.

Беморларда лаборатор ва инструментал текширув усулларида асосан умумий қон таҳлили, МРТ, МСКТ, УТТ, ЭКГ ва бошқалар ўтказилган. Беморларнинг 42.6%ида 1-2та, 40.2%ида 3-4та, 17.2%ида 5 ва ундан кўп текширувлар буюрилган. Текширувларнинг ўртача сони 3.1 ± 0.97 га тенг. Сурункали вертеброген касалликларни даволашда халқ табиобатининг асосан мануаль терапия ва акупунктура усуллари барча беморларда (100.0%) олиб борилди. Бу усуллардан ташқари беморларда аниқланган ҳамроҳ касалликлардан келиб чиқиб хижома ва фитотерапия усуллари ёрдамида муолажалар ўтказилди.

Беморларда асосан даво консерватив олиб борилди. Барча беморларда медикаментоз даво олиб борилиб, ҳар бир беморга ўртача 3.2 ± 1.02 дори воситалари буюрилган. 92.4% ҳолларда яллиғланишга қарши воситалар, 68.2% ҳолларда оғриқсизлантирувчи воситалар, ҳамроҳ касаллигига қараб 52.6%ига антибиотиклар, 28.6%ига умумқувватловчи воситалар буюрилган.

Даволанган беморларнинг 98.6%ига турли мутахассислар маслаҳати буюрилган, уларнинг 52.4%ига бирта, 44.2%ига иккита, 3.4%ига учта мутахассис маслаҳати қилинган. Уларнинг аксариятига невропатолог (96.2%), 46.3%ига кардиолог, 31.2%ига гастроэнтеролог, 9.6%ига окулист, 2.3%ига акушер-гинеколог маслаҳатлари амалга оширилган.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, сурункали вертеброген касалликлар билан оғриган беморларни даволашни замонавий дори воситалари билан халқ табиобати усуллари уйғунлаштирилган ҳолда олиб борилиши, ётоқ кунларини 1.3 мартага камайишига, дори воситаларини 1.3 мартага кам ишлатилишига, даволаниш қийматини 1.8 мартага камайишига, энг асосийси беморларни ҳаёт сифати кўрсаткичини ўсишига ёрдам бермоқда. Бу касалликларни даволашда халқ табиобатининг самарали усуллари замонавий соғлиқни сақлаш тизимига уйғунлаштириш турли касалликларни даволашда ижобий натижаларга олиб келишини кўрсатади.

ИШЕМИК ИНСУЛЬТНИ ЎТКИР ДАВРИДА КўЛЛАНИЛАДИГАН АКАПУНКТУР НУКТАЛАРНИНГ ТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИ

Эргашева Н.О, Авезов М.Х.

Республика Шошилиш Тиббий Ёрдам Илмий Маркази Хоразм филиали

Хозирги кунда инсулт беморларда ногиронлик ва ўлимнинг асосий сабаби бўлиб келмоқда, бу эса давлатга ижтимоий - иқтисодий муаммо туғдиради, шунинг учун инсултни эрта босқичларида имкон қадар камхаражат ва самарали усуллари кўллаш долзарб муаммога айланмоқда. Инсултдан кейинги беморларни реабилитация қилиш самарадорлиги бевосита ўткир даврида даволаш жараёнини тўғри ташкил этишга боғлиқ, чунки, акс холда қайтариб бўлмайдиган анатомик ва физиологик ўзгаришлар хавфи ва шунга мос равишда ривожланаётган неврологик нуқсонларни оғирлиги сезиларли даражада ошади, хаттоки инсултни дастлабки босқичидаги ўтказилган текширувларда яхши прогностик белгилари мавжуд бўлса ҳам. Муаммонинг яна бир муҳим жиҳати инсулт ўтказган беморларда такрорий инсултни эҳтимолини оширади. Шу муносабат билан цереброваскуляр касалликнинг иккиламчи профилактикаси катта аҳамиятга эга бўлиб, уни имкон қадар эрта, биринчи ўткир эпизод ривожлангандан сўнг дарҳол бошлаш керак. Шу сабабли, инсултли беморларда реабилитацион даволашни оптималлаштириш, замонавий кон – томир неврологиясининг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда ва уни халқ қилиш йўллари билан бири дори – дармонсиз даволаш технологияларини такомиллаштиришдир. Ана шундай методлардан бири камхаражат ва кам ножўя таъсирли бўлган усул рефлексотерапиядир. Инсултни реабилитациясида рефлексотерапия самарали бўлишига қарамадан асосий механизмлари ноаниқлигича келмоқда.

Эргашева Н.О., Қаямов Х.Н. СУРУНКАЛИ ВЕРТЕБРОГЕН КАСАЛЛИКЛАРНИ ДАВОЛАШДА ХАЛҚ ТАБОБАТИ УСУЛЛАРИНИНГ САМАРАДОРЛИГИ	102
Эргашева Н.О., Авезов М.Х. ИШЕМИК ИНСУЛЬТНИ ЎТКИР ДАВРИДА КЎЛЛАНИЛАДИГАН АКАПУНКТУР НУКТАЛАРНИНГТАЪСИР МЕХАНИЗМЛАРИ	103
Юнусов А.А., Абдуллаева В.А. СРЕДСТВА НАРОДНОЙ МЕДИЦИНЫ ПРИ ХРОНИЧЕСКОЙ СЕРДЕЧНОЙ НЕДОСТАТОЧНОСТИ	104